

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНАЗАРОВА НАРГИС ШОДИЕВНА

**СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ТЎЙ МАРОСИМИ
ЭТНОГРАФИЗМЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАБИАТИ ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
dissertation**

Курбаназарова Наргис Шодиевна

Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий тадқиқи.....3

Курбаназарова Наргис Шодиевна

Лингвокультурологическое исследование семантической природы этнографизмов свадебных обрядов Сурхандарьинского оазиса.....25

Kurbanazarova Nargis Shodiyevna

Semantic nature and linguocultural research of ethnographisms of Surkhandarya oasis wedding ceremonies.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНАЗАРОВА НАРГИС ШОДИЕВНА

**СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ТҶЙ МАРОСИМИ
ЭТНОГРАФИЗМЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАБИАТИ ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҶЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil1029 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.terstu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умурқулов Бекпўлат
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Қиличев Байрамали Эргашевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55; факс: (876) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).


Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «3» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «3» декабрь даги 6 рақамли реестр баённомаси).




П.Бакиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, ф.ф.д.


А.Эшмўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)


Ш.Махмаримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
копидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни ундан фойдаланувчи шахс ва унинг ўзига хос миллий ва маънавий олами, турмуш тарзи билан боғлиқ равишда ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилиб келинмоқда. Тил тадқиқиқа шу хилдаги ёндашувлар натижасида XX аср ўрталарида тилшуносликнинг тадқиқ йўналишлари кенгайиб, этнолингвистика, лингвокультурология, антропоцентрик таҳлил каби тилшуносликнинг янги соҳалари майдонга келди ва тилнинг инсон омили билан боғлиқ бўлган янги жиҳатларини очиб бериш имкониятлари яратилди. Натижада тил ва шу тилда сўзлашувчи халқнинг тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, кундалик ҳаёти давомида шаклланган анъанавий маданияти, маънавий оламини узвий алоқадорликда ўрганиш тилшуносликдаги муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Дунё тилшунослигида тил воситаларига ҳар бир халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи, миллий ўзлигини англатувчи, маънавиятини белгиловчи муҳим омил сифатида қаралади. Маълумки, ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос такрорланмас маъно ва мазмунга эга бўлган луғавий бирликлари мавжуд бўлиб, уни халқ маданияти, маънавий қадриятлари, ўзига хос тафаккур тарзи ва миллий-тарихий анъаналари билан боғлиқ равишда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида тилни ўзбек халқининг урф-одатлари, тарихий анъаналари ва маънавий олами билан боғлиқ равишда ўрганишга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Зеро, “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш, давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”¹. Ҳар бир халқ умумий белгиларга эга бўлгандек, ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай ўзига хосликлар муайян халқнинг урф-одатлари ҳисобланади. Урф-одатлар маълум этноснинг этнографик жиҳатдан ўзига хослигини белгиловчи муҳим томони бўлиб, уларнинг тил воситалари орқали ифодаланиши тилшунослик учун ҳам этнография учун ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар бир ҳудуд ўзининг этнографик лексикасига эга бўлиб, уларни тўплаш, лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиб, тил воситаси сифатида авлоддан авлодга етказиш кўпгина лингвистик муаммоларни ечилиши учун имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон қарори, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29.

тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-6084 сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган таълим ва фаннинг барча соҳаларида ахборот технологияларини жорий этиш ҳақидаги таклифлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек филологиясида этнографизмлар, хусусан, тўй маросими этнографизмлари, асосан, фольклоршунослар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбек тўй маросими кўшиқлари М.Алавия, О.Собиров, О.Сафаров, М.Мирзаева, А.Мусақулов, М.Жўраев, О.Исмонова ва бошқа фольклоршунослар томонидан ёзиб олиниб, нашр этилган. Ўзбек тўй маросим фольклорининг ўзига хос табиати, жанрлар таркиби, таснифи ва маросим кўшиқларининг бадий хусусиятлари каби масалалар М.Алавия, Б.Саримсоқов, Н.Қурбонова, М.Жўраев, С.Давлатов, Н.Қурбонбоева, О.Исмонова, Г.Мардоновалар томонидан тадқиқ этилган².

Тилшунослик йўналишида Н.Мирзаев³ ўзбек тилининг этнографик лексикаси ҳақида умумий маълумотлар берган бўлса, А.Жўрабоев⁴, З.Хусаинова⁵ каби тадқиқотчилар томонидан ўзбек халқининг тўй маросими этнографизмларининг луғавий ва ономаσιологик хусусиятлари, шунингдек, Н.Амонтурдиев⁶, О.Нуржонов⁷ларнинг тадқиқотларида этнографизмларнинг лексикографик хусусиятлари ва диалектал этнографизмларнинг антропоцентрик тавсифи масалалари ўрганилган. Мустақиллик йилларида С.Давлатов⁸, Н.Қурбонбоева⁹, Л.Худайкулова¹⁰ каби тадқиқотчилар

² Бу ҳақда қаранг: Худайкулова Л.А. Сурхондарё тўй маросим кўшиқлари. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 5.

³ Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 1971.

⁴ Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросими номлари. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 1971.

⁵ Хусаинова З. Тўй маросимлари номларининг ономаσιологик тадқиқи (Бухоро гуруҳ шевалари асосида). Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 1984.

⁶ Амонтурдиев Н. Сурхондарё этнографизмларининг лексикографик хусусиятлари. Фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD)дисс. – Гулистон, 2021.

⁷ Нуржонов О. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари этнографизмларининг антропоцентрик тавсифи. Фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD)дисс. – Нукус, 2021.

⁸ Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. Филол.фанлари номз.дисс. – Тошкент, 1996.

⁹ Қурбонбоева Н.Р. Хоразм тўй кўшиқлари. Филол.фан. номз.дисс. – Тошкент, 1998.

¹⁰ Худайкулова Л.А. Сурхондарё тўй-маросим кўшиқлари. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2011.

томонидан тўй маросими фольклори, Ф.Ҳайитова¹¹, Ш.М.Нуриллаева¹², М.М.Кахаровалар¹³ томонидан тўй маросимлари билан боғлиқ этнографизмлар лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Бу тадқиқотларда тўй маросими номларини лингвистик нуқтаи назардан таҳлил этиш ҳақидаги айрим қарашлар мавжуд бўлса-да, тўй маросими этнографизмларининг лисоний хусусиятларини муайян ҳудуд миқёсида ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек нутқшунослиги: бадий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё воҳасидаги никоҳ тўйи маросимларига оид этнографизмларнинг семантик табиати ва лингвомаданий хусусиятларини ёритиш асосида уларнинг тил тизимидаги ўрни ва миллий менталитетни вужудга келтиришини назарий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этнографизмларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганишга оид тадқиқотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

тўй маросими билан боғлиқ этнографизмлар ва уларга ёндош тил бирликларини аниқлаш;

этнографизмларнинг тил тизимидаги ўрнини белгилаш;

этномаданият – тил маданиятининг ажралмас қисми эканлигини ўрганилаётган ҳудуд аҳолиси нутқидаги этнолингвистик ва лингвомаданий бирликлар таҳлили доирасида ёритиш;

тўй маросимлари этнографизмларининг луғавий-маъновий хусусиятларини бадий асарлардан олинган материаллар асосида илмий талқини ва таҳлилини келтириш;

тўй маросимлари этнографизмларининг лингвомаданий тадқиқини ёритиш мақсадида уларнинг, стереотип ва лингвокультурема эканлигини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида Сурхондарё воҳаси никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ этнографизмлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети Сурхондарё воҳасидаги тўй маросимлари этнографизмларнинг лексик-семантик ва лингвомаданий хусусиятларини таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, киёслаш, дифференциал-семантик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

¹¹Ҳайитова Ф. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лингвистик талқини. Филол.фан.номз.дисс.автореф. – Тошкент, 1998.

¹²Нуриллаева Ш.М. Туркистон қарлуқ тил шеваларида тўй маросими номлари. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2001.

¹³Кахарова М.М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2009.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

этнографизмларнинг миллатга хос миллий маънавиятни экс эттирувчи тил тизимининг таркибий қисми эканлиги, Сурхондарё воҳаси мисолида ҳудудий-ареал жиҳатлари, халқнинг миллий маданияти, турмуш тарзининг ифодаланиши никоҳ тўйи маросимлари лексикаси орқали асосланган;

турли ҳудудда яшовчи ва бир тилда сўзлашувчи халқ нутқида *й-ж* фонемалари орқали фарқланувчи (*этакйиртар* – *этакжиртар*) этнографизмларнинг фонетик, *сифат+от*, *от+феъл*, *сон+феъл* каби таркибли этнографизмларнинг морфологик, *қонжиға*, *жалоққизартирар*, *сурмана*, *жумалатма* каби ареал-индивидуал этнографизмларнинг лексик жиҳатдан ўзига хослиги очиб берилган;

Сурхондарё воҳаси никоҳ тўйи билан боғлиқ *жовчи*, *куёвқамар*, *таёқтутар* каби этнографизмларнинг бошқа ҳудудларда мавжуд бўлган *совчи*, *йўлтўсар* каби никоҳ тўйи маросимларини ифодаловчи этнографизмлар билан ўхшашлиги ва диалектал этнографик (худудий) жиҳатдан фарқли томонлари далилланган;

тўй маросими этнографизмлари лингвомаданий маъно-мазмун ифодаланишига кўра стереотипик характер (Алпомиш, Барчиной) ва маданиятни ўзида намоён қилувчи лингвистик тушунча сифатида лингвомаданий бирлик (лингвокультурема) эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий таҳлили этнографизмларнинг тил ва миллий маънавий бирлик сифатида ўрганилиши учун илмий-назарий асос вазифасини бажариши, этнолингвистика, лингвокультурология, умумий тилшунослик каби фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларнинг яратилишига муҳим манба бўлиши асосланган.

Тўй маросимлари этнографизмлари ва уларнинг лингвомаданий тадқиқи асосида чиқарилган хулосалар ўзбек тилининг худудий луғавий бирликлари таҳлили асосидаги янги тадқиқотларни яратилиши учун хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мавзуни ёритишда, назарий маълумотларни изоҳлашда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, келтирилган таҳлилларни лингвистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилшунослигида этнолингвистика, лингвокультурология соҳалари доирасида янги тадқиқотлар яратилиши учун илмий-назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади. Ишда фойдаланилган тадқиқот усуллари ва ўрганилган тил воситаларига асосланган ҳолда ўзбек тилининг худудий лексикасини, кам истеъмол

сўзларини тўплаш, луғавий-маънавий жиҳатдан таҳлил қилиш ва луғатини тузиш ишларини амалга ошириш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан олий таълимда ҳозирги ўзбек адабий тили, лингвокультурология, семасиология каби фанларни ўқитиш, шу фанларга оид дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий тадқиқи таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

тўй маросимларига оид этнографизмларнинг ясалиши, уларга хос бўлган сўзларнинг туб ва ясалишини ажратишга доир назарий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ бўлимининг 2021 йил 17 январдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалишига доир назарий маълумотларнинг мукаммаллашувига эришилган.

тўй маросими этнографизмларининг семантик табиатини таҳлил қилишда ижтимоий факторларнинг ўрни ҳақидаги хулосаларидан ФА-Ф1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ бўлимининг 2021 йил 17 январдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада тил бирликларининг нақл-мақоллар мазмунини очиқ беришдаги ўрни ҳақида муҳим хулосаларга келинган.

Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографиясининг семантик хусусиятлари ва лингвомаданий табиатига оид материаллардан Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Тил – миллат кўзгуси”, “Жануб овози”, “Бахшиёна” каби кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган. (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 01-01/78 сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг маънавий ва маданий мазмуни бойитиб борилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда (1 та скопус базасида индексланган) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот ишининг умумий тавсифи, кириш, 3 боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, жами 132 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Этнографизмлар тил тизимидаги муҳим луғавий бирлик сифатида**” деб номланувчи биринчи бобида этнолингвистик тадқиқотлар, этнографизмлар ва уларга ёндош ҳодисалар таҳлил қилинган. Тўй ва у билан боғлиқ лингвистик воситаларнинг лингвомаданий бирлик эканлиги асосланган.

Бобнинг “**Этнолингвистика ва этнолингвистик тадқиқотлар таҳлили**” бўлимида этнолингвистиканинг муайян халқнинг урф-одатлари, этномаданиятини ўрганувчи соҳа эканлиги изоҳланиб, этнолингвистика соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили берилган.

Муайян халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, ўзлигини англаши шу халқ этномаданиятини ташкил этади. Халқнинг этномаданияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлмасдан туриб, тилшунослик, этнография, маданият ва ҳатто археология соҳасида ҳам халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмас.

Бошқа барча халқлар сингари ўзбек халқи ҳам ўзининг миллий маънавиятини акс эттирувчи кўплаб анъаналарга эга бўлиб, улар шу халқнинг тарихий тараққиётини, маънавий оламини акс эттирувчи омиллар сифатида тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Ўзбек халқига, унинг уруғ ва қабилаларининг турмуш тарзи, яшаш шароити ҳамда фаолиятига хос ҳолда шаклланган тўйларнинг маросим (урф-одат, удум) ҳамда анъаналарини ифодаловчи этнографизмлар халқ(лар) тилида қадимдан моҳияти ўзгармаган ҳолда турли шакл ва шароитларда қўлланиб келаётгани учун ҳам халқнинг бетакрор олтин битиги бўлган шева сўзлари, яъни диалектизмлар жумласига киради¹⁴. Чунки уларни ҳам маълум бир ҳудудда яшовчи аҳоли вакиллари билишади, тушунишади ва ўзаро мулоқот жараёнида фаол қўллашади.

Тилшунос Н.Мирзаев таркиби бирдан ортиқ сўздан иборат бўлган этнографизмларнинг аслида сўз бирикмасидан ташкил топганлигини, кейинчалик бу алоқа йўқолиб, бир маъно ифодалашга ўтганлигини таъкидлайди¹⁵. Сурхон воҳаси никоҳ тўйи этнографизмларида ҳам бу ҳолат кўзга ташланади. *Этакжиртар, эшикшипирди, нонсиндирар, жалоққизартирар, патиржеди, тўнкийгизар, поёндоз солди, оёқбосар,*

¹⁴ Откупшиков Ю.В. Диалектный материал и этимологии // Международный симпозиум по проблемам этимологии исторической лексикологии и лексикографии. Тезисы докладов. М., Наука, 1984. – С. 38-39.

¹⁵ Мирзаев Н. Кўрсатилган манба. – Б. 95.

қўлушлатар, ойнакўрсатар, сочсийпатар каби этнографизмларда сўзларнинг ҳоким-тобелик муносабати асосида бирикканлиги яққол сезилади. Тил тараққиёти билан боғлиқ равишда бундай бирикувлар нарса-ҳодисаларнинг номини ифодалашини натижасида сўзга айланган. Шу билан бир қаторда ясама этнографизмларнинг маълум қисми икки асосдан ташкил топган бўлиб, ҳоким-тобелик муносабати мавжуд бўлмаган сўзлардан ҳам ҳосил бўлган. Масалан, *тўққизтовоқ, кампирўлди, жалоққизартирар* каби ясама этнографизмлар таркибидаги сўзлар мустақил маъноли сўзлар бўлиб, семантик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади.

Этнографизмларнинг тил тизимидаги муҳим ўрни этногенез масалаларини ҳал қилишда, тилдаги сўз бойлиги ва тилнинг грамматик тузилишидан фойдаланиш¹⁶ билан ҳам белгиланади. Шунингдек, тилнинг луғавий таркиби ҳам этнографизмларга бой бўлиб, топонимлар (жой номлари), антропонимлар (киши исмлари), элат ва халқларнинг номи (этнонимлар), турли урф-одат, расм-русм номлари, миллий ўзликни акс эттирувчи предметлар номлари ўзбек тилининг махсус этнографик лексикаси мавжудлигидан далолат беради. Этнографик лексикани ўрганадиган тилшуносликнинг соҳаси этнолингвистикадир.

Этнолингвистика дунё миқёсидаги фан эканлиги ва халқнинг турмуш тарзи, маънавияти билан боғлиқ бўлганлиги боис туркологияда ҳам бу соҳага кизиқиш кучли бўлган. Хусусан, С.М.Абрамзон¹⁷, А.Жикиев¹⁸, Э.Жанпейсов¹⁹, М.С.Атабаева²⁰, М.И.Багаутдинова²¹, А.К.Аппоев²² каби олимларнинг этнографизмларга оид тадқиқотлари бунинг ёрқин далилидир. Этнографик лексика ҳақида фикр юритар экан А.К.Аппоев семантик жиҳатдан этнографизмлар миллий маданиятни акс эттирувчи, этник таркибнинг ўзига хос диний дунёсини, миллий-этник характер қирраларини намоён этувчи луғавий бирликлар эканлигига алоҳида эътибор қаратади²³.

Ўзбек тилшунослигида этнографизмлар тадқиқига бағишланган бир неча илмий ишлар мавжуд бўлиб, улар масаланинг турли томонларини ўрганишга бағишланган. Этнографик лексиканинг умумий лексикографик хусусиятлари таҳлил этилган Н.Мирзаевнинг тадқиқоти бу борада диққатга сазовор²⁴. Мазкур тадқиқотда этнографик лексика Қашқадарё вилояти материаллари асосида ўрганилган бўлиб, Қашқадарё ўзбек шевалари этнографик лексикасининг этимологик таркиби, лексик-семантик хусусияти, замонавий жиҳатдан гуруҳланиши этнографик лексиканинг

¹⁶ Жабборов Исо. *Jahon etnologiyasi asoslari*. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – Б. 46.

¹⁷ Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971.

¹⁸ Джикеев А. Этнографический очерк населения Юго-Восточного Туркменистана (конец XIX – начало XX в). – Ашхабад: Ыльм, 1972.

¹⁹ Жанпейсов Э. Этнокультурная лексика казахского языка. – Алма-Ата: Наука, 1989.

²⁰ Атабаева М.С. Қозоқ тили диалектик лексикасининг этнолингвистик негизи. – Алматы: Билим, 2006.

²¹ Багаутдинова М.И. Этнографическая лексика башкирского языка: Автореф.дисс.канд.фол.наук. – Уфа, 1997.

²² Аппоев А.К. Этнографическая лексика карачаево – балкарского языка: Автореф.дисс.канд.фол.наук. – Нальчик, 2003.

²³ Аппоев А.К. Кўрсатилган автореферат. – С. 7.

²⁴ Мирзаев Н. Этнографическая лексика узбекского языка: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.

юзага келиши ва грамматик хусусиятлари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг этнографик лексиканинг этимологик таркиби қисмида умумтуркий ва ўзбекча сўзлар асосидаги этнографизмлар, тожикча ва арабча қисмларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган²⁵.

Бобнинг “**Этнографизмлар ва уларга ёндош ҳодисалар**” бўлимида этнографизмлар ва уларга ёндош тил воситалари диалектизмлар ва экзотизмларнинг умумий хусусиятлари, уларнинг бошқа тиллар учун лакуна эканлиги, шунингдек, фарқли жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

Этнографизм – муайян халқнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, диний қарашлари билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг номлари. Бундай луғавий бирликлар маълум бир этноснинг бошқалардан фарқланиб турувчи асосий хусусиятларини акс эттиради ва тилдаги бошқа луғавий воситалардан миллийликни ифодалаши жиҳатидан ажралиб туради. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллийлигини ифодаловчи луғавий бирликларнинг бир қисмини диалектал лексика ташкил қилади. Диалектал лексика маълум ҳудудга хослиги, маҳаллий ҳаётни акс эттириши билан этнографизмларга ўхшаш бўлса-да, диалектал лексиканинг маълум бир қисмигина этнографизм бўла олади. Халқнинг ўтмиши, бугуни, ҳаёт тарзи, маданияти, ижтимоий муносабатлари айнан диалектал лексикада ўз ифодасини топади. Маълум бир ҳудудда яшовчилар нутқида мавжуд бўлиб, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган тушунчаларнинг маҳаллий номлари диалектал лексикани ташкил этади. Адабий тилдан фарқли равишда, диалектизмларнинг аксарият қисми синонимларга эга эмас.

Этнографизм ва этнографизмлар сингари маълум бир халқнинг ўзига хос миллий маданиятига оид белгиларини ифода этувчи махсус сўзлар бошқа тиллар учун лакуна ҳисобланади.

Лакуна лингвомаданий бирликлар орасида муқобилсиз лексиканинг энг ёрқин мисоли бўлиб, унда миллий маданият элементлари намоён бўлади. Бундай сўзлар, одатда, бошқа тилларга таржима қилинмайди. Лакуна ифодалайдиган тушунчалар таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлмаганидан, ўзга тилларда муқобилига эга эмас: бу лингвомаданий жараённинг табиий қонунияти.

Удумлар, маросим ва анъаналар билан боғлиқ бўлган этнографизмлар шундай лакуналар ҳисобланади. Урф-одатлар билан боғлиқ этнографизмларнинг асосий қисми умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўзларнинг этнографик маъно ифодалаши асосида вужудга келади. Айниқса, тўй билан боғлиқ маросимларда буни яққол кўриш мумкин.

Умуман олганда, этнографизмлар ўзга халқлар учун лакуна ҳисобланади. Таржима жараёнларида мазкур сўзлар асл ҳолича берилади. Бироқ маъносини ойдинлаштириш, аниқлаштириш учун ёки қўшимча маълумот бериш мақсадида таржима қилиниши мумкин.

Этнографизмлар миллий хосланганликни ифодаловчи сўзлардир. Бундай сўзлар бошқа тилларда лакуна ҳисоблангани учун, улар бошқа тилга

²⁵ Мирзаев Н. Кўрсатилган манба. – Б. 34-35.

ўтганда экзотик сўз бўлиб қолади. Экзотик сўзлар ҳам миллий хосланганликни билдиради.

Экзотизм – бу тилдаги бошқа бир халқ турмуш тарзи ва ҳаётий воқеа-ҳодисаларини ифодаладиган, нофаол лексика. Экзотизмлар ҳам диалектизм ҳамда этнографизм каби муқобилсиз лексика турига киради ва ўзи мавжуд бўлмаган халқ тилига тўлиқ ўзлашмайди, улар таржима қилинмайди. Матн таркибида келганда эса тилда мавжуд иборалар, ёки тасвирий воситалар ёрдамида маъноси ойдинлашади. Этник, миллий ҳодисаларни ифодалаганлиги учун бошқа халқ тилига тўла сингиб кетмайди. Кўп ҳолларда ўзи кириб борган тилнинг асосий луғат таркибига қўшилмасдан, захира сўзлар қаторида бўлади ва асосан зарурат туғилганда қўлланилади.

Бобнинг учинчи бўлими **“Ўзбек лингвомаданиятида тўй лексемасининг изоҳланиши”** деб номланган. Тўй – ўзбек тилида фақатгина ижобий маънода қўлланиладиган лексема бўлиб, унинг барча кўринишлари, хусусан, *“туғилиш тўйи”, “бешик тўйи”, “чилла тўйи”, “суннат тўйи”, “мучал тўйи”, “никоҳ тўйи”, “пайгамбар тўй”, “ҳожиди тўй”, “уй тўй”, “мошина тўй”* қабилар хурсандчилик билан элга ош бериб, ўйин-кулгу, тўкин-сочинлик билан нишонланади. Тўй лексемасига тўхталадиган бўлсак, қуйидаги таърифларни кўришимиз мумкин:

Тарихий манбаларда сақланиб қолган маълумотларга қараганда “тўй” атамаси туркий сўз бўлиб, “той” ёки “қурултой” шаклида мўғуллар ва чигатой хонлари даврида ҳам кенг қўлланилган. XIV асрда Мовароуннаҳр худудига саёҳат қилган Ибн Баттута эсдаликларига асосан “той” – бу ҳар йили ўтказиладиган йиғин (қурултой) бўлиб, унда Чингизхон авлодлари, амирлар ва туркий беклар, обрўли аёллар ва лашкарбоши иштирок этган²⁶. Яқунланган муддати 1864 йил 5 май (хижрий 1280 й) бўлган “Таворихи хоразмшоҳия” тарихий асарида учрайдиган маълумотга кўра, вазир Хасан-Мурод кушбегининг ўғли Муҳаммад Юсуфбек хоннинг қизига уйланган бўлиб, зиёфат – той (тўй) бир неча кун ва тун давом этган²⁷. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тўй сўзига қуйидагича изоҳ берилган: “Тўй – Кўпинча базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи. 1. Қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ куёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо-суруқ, масаллик ва шу қабилар мажмуи. 2. Бирор воқеа-ҳодисага бағишлаб зиёфат ва ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган тантаналар”²⁸. Тўй сўзининг тўй юбормоқ маъносида қўлланиши, шу сўзнинг этнографизмлашуви натижасидаги маъносидир.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида тўй атамаси қайд этилмаган. Бироқ унда тод – (туд-: тодунди “тўйинди”, тодғурди “тўйғизди”), тоз – (туз-: тозди “тўйди”, тозғурдаци “тўйдирувчи”) каби

²⁶ Бартольд В.В. Сочинения. Том 5. – М.: Наука, 1968. – С.162-163.

²⁷ Аскарлов М. Тўй: кеча, бугун, эртага: этнографик таҳлил. 1 minute read uz team. February 13, 2019.

²⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-том. – М.: Русский язык, 1981. – Б. 243-244.

Ўзақлар асосида ясалган 18 та лексема қайд қилинган²⁹. Тилшунослигимизда тўй мавзусида дастлабки тадқиқотчилардан бири А. Жўрабоев ўз илмий ишида тўй лексемаси ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган : “Бу сўз аслида “тўймоқ” маъносини англатувчи тод>тоз>doi>doj нинг энг сўнгги фонетик варианты ҳисобланади. М.Кошғарийнинг “Девон” ида “тодунди, тозди” сўзларининг маъноси “тўйинди, тўйди” тарзида изоҳланади. Агар биринчи сўздан -ун /ўзлик даражасининг қўшимчаси/, di иккинчи сўзда ҳам -ди /аниқ ўтган замонни ҳосил қилувчи аффикс олиб ташланса, феълнинг буйруқ майлидаги тод ва тоз сўзлари қолади. Бинобарин, бу сўзлар ҳозирги тўй сўзининг дастлабки формаси эканлигига ҳеч шубҳа қолмайди”³⁰. Ш.Нуриллаева ҳам тўй сўзининг “тўймоқ” феълдан эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилади³¹. Бизнинг фикримизча ҳам айнан мана шу таъриф тўй лексемасининг қандай вужудга келгани ва қандай асосдан ташкил топганлиги ҳақидаги энг аниқ ва тўғри маълумотдир.

Никоҳ тўйи юқорида номларини санаб ўтганимиз тўй турлари орасида алоҳида аҳамият касб этадигани ҳисобланади. Оила деб аталмиш муқаддас кўрғоннинг илк пойдевори ҳисобланмиш никоҳ тўйи турли халқларнинг ўзига хос миллий маданияти, дини, қадриятлари ва менталитети билан боғлиқ расм-русмлар ва урф-одатлар билан нишонланади.

Никоҳ арабча сўз бўлиб, луғатларда қуйидаги маънолари талқин этилган:

- عقد نكاه - никоҳ аҳди;
- عقد كردن - аҳд қилмоқ;
- عقد - шартнома, келишув;
- عقد بندی - никоҳ риштасини боғлаш шартномаси;
- عقد کنان - унаштириш, тўй;
- عقدنامه - никоҳ шартномаси;
- عقدی - қонуний аёл (хотин)³².

1) نكاه никоҳ – эр-хотинлик риштасини боғламоқ, никоҳ шартномаси, эр-хотин; 2) عقد ақд – боғламоқ, боғланмоқ; 3) ازدواج издивож – жуфт бўлмоқ, жуфтлашмоқ, жуфт олмоқ, хотин олмоқ (уйланмоқ), эрга тегмоқ (турмушга чиқмоқ); 4) زن و شویی зану шўйи – эр-хотинлик³³.

Ўзбекистоннинг барча воҳаларидаги никоҳ тўйларида ранг-баранглик бор. Уларнинг ҳар қайсисида бир-биридан ўзаро фарқланувчи урф-одат, удум ва маросимлар мавжуд. Узоқ тарих ва анъаналарга эга бўлган қадим Сурхон воҳасининг тўй маросимлари ҳам ўзига хосдир.

Диссертациянинг “Сурхондарё воҳасининг никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ этнографизмлари семантикаси” деб номланувчи иккинчи боби никоҳ тўйи маросимларининг ўтказилишидаги диний-ақидавий қарашлар, тўйгача ўтказиладиган маросимлар, тўй куни ва тўйдан кейин

²⁹ Кошғарий Махмуд, Девону луғотит турк. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 63.

³⁰ Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй-маросим номлари (Андижон группа шевалари материаллари асосида): филология фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1971. – Б.29.

³¹ Нуриллаева Ш. Кўрсатилган манба – Б. 36.

³² Рубинчик Ю.А. Персидско-русский словарь. Издательство “Советская энциклопедия”. – М.: 1970. – С.187.

³³ Ҳасан Амид. Фарханги форсии Амид. – Техрон: Интешороте жовидон. 1971. – С. 284.

Ўтказиладиган маросим, урф-одатларни ифодаловчи луғавий бирликлар семантикаси ҳамда никоҳ тўйи маросимларини ифодаловчи лексик бирликларнинг ясалиши каби бўлимларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Бобнинг биринчи бўлими **“Никоҳ тўйи маросимларининг ўтказилиши билан боғлиқ диний-ақидавий қарашлар”** деб номланган.

Воҳа аҳолисининг никоҳ тўйи маросимларида ибтидоий дин шаклларида анимизмга оид ирим-сирим ва урф-одатлар ҳам ҳозиргача сақланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Кишилар никоҳ тўйи маросимларида ёвуз кучлардан сақланиш, улардан эҳтиёт бўлиш ва уларга қарши курашиш мақсадида турли ирим-сиримларни бажарганлар. Никоҳ тўйи маросимининг биринчи босқичида, яъни тўй бошлашдан олдин дастлаб ўтган арвоҳлар руҳини шод этиш мақсадида тўйдан бир кун аввал уларнинг руҳига атаб “худойи” қилинган ва ис чиқарилган. Шу билан келин-куёвнинг никоҳ тўйига ота-боболари руҳидан ижозат сўрашган³⁴. Ана шу одат асосида Сурхон воҳасида *жалоққизартирар* этнографизми пайдо бўлган.

Жалоққизартирар – бунда қадимги ирим-сиримларга асосланиб, қон чиқариш мақсад қилинади. *Жалоқ* – итга ош-овқат солиш учун ерни кавлаб, идиш шаклига келтириладиган чуқурча. Мол сўйилганда ҳам худди шундай жалоқ кавланиб, қон шу жалоққа оқизилади. Қон чиқариш ва итнинг ялоғига қон томизиш, ҳар хил инс-жинслардан келин ва куёвни асраш ниятини билдирган. Нимаики ёмонлик бўлса, шу итга урсин деган қараш ҳам бўлган. Умумий қилиб айтганда, ушбу одат барча катта ишлардан олдин мушкулларни осон қилиш мақсадида **“қон чиқариш”** ирими билан боғлиқ.

Юқоридагилар билан бирга, никоҳ тўйи маросимларида магик (афсунгарлик) тасаввурлар ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Тўйда қилинган ҳар битта ҳаракат қандайдир яхши ният, тилак ва мақсад йўлида амалга оширилган. Келин-куёвнинг ҳаёти ёвуз кучлардан ҳоли бўлиши учун *чимилдиқ тутуши*, ҳаёти ширин бўлсин, деб уларга *ширин сув* ёки *шарбат ичириши*, кексайиб, қартайиб юриши йўлида бу амалларнинг кекса аёллар томонидан амалга оширилиши, ҳаётлари ойна мисоли тиниқ бўлиши учун *ойна кўрсатилиши* каби турли ҳолатлар магик тасаввурларга мисол бўла олади³⁵. Ойнанинг магик хусусиятга эгаллиги ҳақидаги тасаввурларнинг этнографик моҳиятини археологик топилмалар асосида ўрганган Б.А.Литвинский ва Ю.Муҳиддиновлар «ойна» билан алоқадор магик-мифологик қарашларнинг тарихий асослари Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги эътиқодий ишончларига боғланишини аниқлаганлар³⁶. Шу тасаввурлар *чимилдиқтутар*, *ширинсув*, *ойнакўрсатар* каби никоҳ тўйи билан боғлиқ этнографизмларнинг пайдо бўлишига асос бўлган.

Чимилдиқтутар, *болжالاتар*, *ойнакўрсатар* каби маросимлар Сурхондарёнинг деярли барча туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида

³⁴ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари. Тарих фан.номз.дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 112.

³⁵ Тошева Г.С. Кўрсатилган диссертация. – Б.107.

³⁶ Қаранг: Худайқулова Л.А. Сурхондарё тўй маросим кўшиқлари. Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 125.

бугунги кунда ҳам сақланиб қолган миллий маданиятнинг белгиси сифатидаги маросимлар ҳисобланади.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Никоҳ тўйигача ўтказиладиган маросимлар ва урф-одатларни ифодаловчи лексик бирликлар семантикаси”** деб номланган. Ўзбек тўйлари шу халқнинг миллий ўзига хослиги, маънавиятини белгиловчи энг муҳим урф-одатлардан ҳисобланади. Тўй инсон ҳаётидаги энг бахтли, хушҳол кунларнинг белгисидир. Шу боисдан тўйга барча халқлар, жумладан, ўзбекларда ҳам инсон ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида қаралади. Ўзбек тўйлари кўп бўлса-да, улар орасида никоҳ тўйларининг алоҳида ўрни бор. Чунки, бу тўй янги оилани пайдо бўлиши, инсон авлодининг давом этиши билан боғлиқ бўлганлиги учун алоҳида қадрият ҳисобланади. Никоҳ тўйлари расм-русумларга бой бўлгани боис, шу расм-русумларни ифодаловчи сўзлар ҳам кўп. Сурхон воҳасида ҳам, бошқа ҳудудлар сингари никоҳ тўйлари ўз ибтидосидан бошланади ва ушбу урф-одатларни ифодалашда куйидаги луғавий воситалар қўлланилади: *белқуда, бешиккерти, аташтириш, этакжиртиш, эшикшипирди, совчилик, қонжизга, патиржеди, септўлдирди, сепйизди*. Бу луғавий бирликлар семантик жиҳатдан никоҳ тўйи ҳаракати билан боғлиқ урф-одатларни ифодалайди. Уларнинг айримлари бугунги кун нуқтаи назаридан эскирган урф-одатлар ҳисобланиб, никоҳ тўйи билан боғлиқ этнографизмлар таркибида ҳам эскирган луғавий бирликлар мавжудлигидан далолат беради.

Тилшунос Н.Мирзаев этнографик лексикани замонавийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилар экан, уларнинг таркибида ҳам кам миқдорда бўлса-да архаик ва тарихий сўзлар мавжудлигини қайд этади³⁷. Этнографизмлар таркибида эскирган сўзлар архаизмлар ва тарихий сўзлар мавжудлиги бошқа шу соҳа тадқиқотчилари томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган³⁸. *Белқуда* ана шундай эскирган урф-одатларни ифодаловчи архаизмга айланган этнографизмдир. Сурхондарё вилоятида яшовчи халқлар азалдан қариндош-уруғчилик билан бирга қўшничилик, ошна-жўрачилик муносабатларига ҳам катта эътибор берадилар. *“Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши”*, *“Тоға-хола тўйда керак, ошна-жўра кунда керак”* каби мақоллар воҳа аҳолиси нутқида тез-тез учраб туради ва бу бежиз эмас. *Белқуда* одатида ошна-жўрачилик муносабатларини қариндошлик билан боғлаш мақсадида яқин дўстлар (асосан эркаклар) ҳали туғилмаган фарзандларини бир-бирига атаб қўядилар, ёки ўғли бор киши дўстининг туғилажак фарзанди қиз бўлса, келин қилишга келишилади. Келишув жараёнида гувоҳлар ҳам иштирок этадилар. Қиз бола туғилгач, *белқуда* қилинган оила томонидан чақалоққа сирға тақилади, кийимлик ва рўмол берилади. Бу қизнинг эгали эканлигини билдиради. Тарихда бу удумга эътибор қатъий бўлган. Агар *белқудаликка* ваъдалашилса, ёшлар албатта оила қуришлари шарт бўлган (бу сурхондарёликларга хос бир сўзлилик, ваъдага вафо қилиш, айтган сўзидан

³⁷ Мирзаев Н. Кўрсатилган манба. – Б. 66-67.

³⁸ Багаутдинова М.И. Этнографическая лексика башкирского языка: Автореф., дисс. канд. филол. наук. – С.10; Аппоев А.К. Этнографическая лексика карачаево – балкарского языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – С.11.

кайтмаслик, лафзининг ҳалоллиги каби характерларнинг ифодасидир). *Белқуда* қилинган фарзандлар келажакда оила қуришни хоҳламаган вазиятлар ҳам бўлган. Бунда жараён ёмон оқибатлар билан, ота-онанинг фарзандларни оқ қилиши, ўғил ёки қизнинг ўзини ўлдириши билан ҳам ниҳояланган. Шунинг учун бугунги кунда бу одат кўп амалга оширилмайди.

Бобнинг учинчи бўлимида **никоҳ тўйи куни ўтказиладиган маросим ва урф-одатларни ифодаловчи лексик бирликларнинг семантик хусусиятлари** таҳлил қилинган. Никоҳ тўйи билан боғлиқ этнографизмларнинг катта қисмини тўй куни ўтказиладиган маросим номлари ташкил этади. Никоҳ тўйи билан боғлиқ этнографизмлар, жумладан, тўй куни ўтказиладиган урф-одат номлари учун хос муҳим хусусият уларнинг айнан муайян ишнинг бажарилиши асосида функционал жиҳатдан денотатив маъно ифодаланиши ва бажариладиган хатти-ҳаракат билан боғлиқ ҳолда вужудга келишидир. Масалан, *поёндозсолди* этнографизми келин ва куёв оёқлари остида тўшаладиган мато (поёндоз)ни тўшаш жараёнини ифодалаш учун ҳосил бўлган. Бундай мавжуд ҳолатни бажариладиган ҳаракат билан боғлиқ ҳолда ифодалаш этнографизмлар учун хос муҳим жиҳатдир. Қуйидаги этнографизмлар номланишида ҳам этнографизм ва бажариладиган ҳаракат боғлиқлиги кузатилади: *тўнкийгизар, поёндозсолди, болжсалатар, қўлушлатар, сочсийпатар, оёқбосар, ойнакўрсатар, ийинтортар (ийинкўклар), кампирўлди* ва бошқалар. Сурхон воҳасида тўй куни ўтказиладиган маросимларни мос равишда иккига ажратдик: 1. Келиннинг уйида ўтказиладиган тадбирлар номи: *товоқ қўяр, қўйинсолар, поёндозсолди, тўнкийгизар, қўйинсолар, қарижиллик, оёқбосар, қўлушлатар, сочсийпалатар, ойнакўрсатар, ийинтортар, отаюпатар, вакилота, куёвқамар*. 2. Куёвнинг уйида ўтказиладиган урф-одат ва маросимлар номи: *кампирўлди, беточар, септарққатар, олдига она чиқар, сарпони улоқ қилар, сарпо аллалатар, супраёйди, унэлатар, ёғтомизар*.

Бобнинг тўртинчи бўлими “**Никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган маросим ва урф-одатларни ифодаловчи лексик бирликлар семантикаси**” деб номланган.

Сурхон воҳасида тўйдан кейин ўтказиладиган тадбирлар қуйидагича номланади: *юзочар, келинсалом, септарққатар, отаюпатар, келин ош емади, супраёйди, қуйруқкесар, ёғтомизар, итириллатар, итялоққа ош қўяр, ўчоққўмди, чақирди* ва бошқалар. Бу тадбирларнинг айримлари бошқа ҳудудларда ўтказилса-да, ўтказиш тартиби, тадбир жараёнида бажариладиган ишлар билан бир-биридан фарқланади. Масалан:

Беточар//Юзочар//Юзкўрар – туйнинг эртаси куни ўтказиладиган маросим. Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида бу тадбир *салом, келинсалом* деб юритилади³⁹. Бунда 3-4 ёшлардаги ўғил бола қўлида ўқлок билан вилоятнинг Музработ, Ангор, Шеробод туманларида пахта саваш учун тайёрланган махсус чўп – савачўп билан ёки мевали дарахтнинг ингичка ва узун шохчаси билан келиннинг юзидаги чимматини олган.

³⁹ Нуриллаева Ш. Кўрсатилган манба. – Б. 48.

Супраёйди//Унэлатар – тўйдан кейин куёвнинг уйида ўтказиладиган маросимлар. Булар бири иккинчисини тақозо этганлиги учун мазмун-моҳияти ҳам ўзаро бир-бирига яқин. *Бет очар (юз очар, юз кўримчи)*дан кейин келиннинг ун элаб кўрсатиши. Бунда супра тўшалиб (вилоятнинг Музработ туманида яшайдиган тожикларда, Бойсун, Шеробод туманларининг баъзи қишлоқларида қиз бола ота уйидан келин бўлиб чиқиб кетаётганда унинг қўйнига янги супра солиб юборилади. Бу қиз хонадонни тарк этаётганда ўз ризқини ўзи билан олиб кетсин деган маъно ифодалаган. Куёвни уйига борганда тўйнинг эртаси куни нишонланадиган *супраёйди, унэлатар* маросимларида ўша супра ёйилиб, келинчак ун элаган. Кейин шу супрада аёллар қушнот аёл бошчилигида бибимушкул ўтказган. Баъзи туманларда эса, куёв хонадонидан рўзғорда ишлатиладиган, “қайнонасининг супраси” ишлатилади.) келин қўлини унга ботириб, ҳовучлаб ун олади ва элакка солиб элайди. Бунинг биринчи маъноси сурхондарёликлар жуда ихлос қиладиган оқ ранг – ёруғликдан янги уйда ишни бошлаш бўлса, иккинчи маъноси қўли баракали бўлсин, зориқиш нималигини билмай, дастурхонида доим нони бўлсин дегани. Бундан ташқари, янги келинчакнинг уй-рўзғор ишларига қанчалик усталлиги, эпчилигини кўрсатиш маъноси ҳам мавжуд.

Бобнинг **“Никоҳ тўйи маросимини ифодаловчи лексик бирликларнинг ясалиши”** деб номланган бешинчи бўлимида этнографизмларнинг ясалиш хусусиятлари ва тузилиши таҳлил қилинган.

Никоҳ тўйи маросимларини номи бўлган этнографизмларнинг асосий қисмини сўз ясалиши асосида вужудга келган этнографизмлар ташкил қилади. Сурхон воҳаси никоҳ тўйлари этнографизмларини ясалиши нуктаи назаридан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кўпгина тўй маросими номлари синтактик усул билан ясалган. Булар орасида от+феъл таркиблилари кўпчиликти ташкил қилади:

Поёндозсолди – от+феъл: *пой (форс-тожик тилида оёқ) + андоз (форс-тожикча тўшамоқ, солмоқ).*

Ийинтортар – от+феъл: *ийин (елка) + тортар (тикмоқ, кўкламоқ)* Шунингдек, **сифат+от** таркибли тўй маросими номларини ифодаловчи этнографизмлар ҳам мавжуд:

Қарижилик – сифат+от: *қари (ёши улуг) + жилик (суяк, илик – суяк ёғи).*

От+от таркибли:

Вакилота // Падарвакил – от+от: *вакил (ишончли, ишонч билдирилган киши. Бирор бир мақсадли ишни бажаришида, ўзига тегишли бўлган ҳуқуқ берилган шахс)+ота (фарзанднинг дунёга келишига сабабчи бўлган инсон. Фарзандни вояга етгунига қадар, ҳатто ундан кейинги даврларда ҳам тарбиячи ва таъминотчи бўлганлиги учун муқаддас динимизда улугланадиган оила боши. Падар – форс-тожик тилида ота маъносини англатади).*

Сон+от таркибли: *тўққизтовоқ – сон+от.*

Никоҳ тўйи маросимларини ифодаловчи этнографизмларнинг асосий

қисми тузилиши жиҳатидан кўшма сўз шаклида бўлиб, сўзларнинг кўшилиши натижасида вужудга келган, асосан, от ва феъл бирикувидан ташкил топган. Морфологик усул билан ясалган, сўзларни жуфтлаш ва такрорлаш натижасида вужудга келган этнографизмлар учрамайди. От ва феъл таркибли этнографизмларда асосан бош келишиқдаги от ва соф феъл шаклидаги этнографизмлар: *эшиқшипирди, септўлдирди, сепийғди, ўчоққозди, поёндозсолди, кампирўлди*; бош келишиқдаги от ва феълнинг сифатдош шаклидаги этнографизмлар: *жалоққизартирар, сарпатаанлар, чимилдиқбичар, сабзитуғрар, кўрпасолар, болжасалатар, оёқбосар, сочсийпалатар, ойнакўрсатар, отаюпатар*; шунингдек, от ва феълнинг ҳаракат номи шаклидаги этнографизмлар фаол эканлиги кузатилди: *этакжиртиши, нонсиндириши, сирғатақши* каби. Кейинги икки шаклдаги этнографизмларнинг вариант сифатида ишлатилган ҳолатлари ҳам мавжуд: *сирғатақар – сирғатақши, нонсиндирар – нонсиндириши*.

Умуман, никоҳ тўйи муносабати билан боғлиқ урф-одатлар ўзбек миллий маданиятининг ўзига хос кўриниши бўлиб, уларни ифодаловчи сўзларни ўзбек тили луғат таркибидаги муҳим луғавий бирлик сифатида ўрганилиши тил воситаларини баҳолаш жараёнидаги асосий омиллардан ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Сурхондарё никоҳ тўйи маросимларига оид этнографизмларнинг лингвомаданий тадқиқи**” деб номланувчи учинчи бобида тил ва маданият муносабати, совчилик билан боғлиқ этнографизмларнинг стереотипик хусусиятлари, никоҳ тўйи маросимлари этнографизмларнинг лингвомаданий бирлик эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Бобнинг биринчи бўлими “**Тил ва маданият муносабати**” деб номланган. Маданият инсон ички ва ташқи оламининг, фикрлаши ва ўз фикр-мулоҳазаларини бошқаларга етказиш тарзининг ифодачисидир. Қадим-қадимдан кишиларнинг кимлиги унинг одоб ахлоқи ва нутқий маданийлиги билан белгиланган.

